


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги _____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 2/8- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|--|-----|
| 1. <i>5A232201 – Эконометрика</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. <i>5A232201– Эконометрика</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши..... | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. <i>5A232201 – Эконометрика</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи | 4 |
| 1.2.1. <i>5A232201 – Эконометрика</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2. <i>5A232201 – Эконометрика</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 5 |
| 1.2.3. <i>5A232201 – Эконометрика</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. <i>5A232201–Эконометрика</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. <i>5A232201–Эконометрика</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 7 |
| 2.3. Касбий квалификациялар. | |
| 3. <i>5A232201 – Эконометрика</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.1. <i>5A232201 – Эконометрика</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар..... | 8 |
| 3.2. <i>5A232201 – Эконометрика</i> магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми..... | 8 |
| Библиографик маълумотлар..... | 9 |

1. 5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

5A232201–Эконометрика Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли мутахассислик бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг магистратура таълим мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A232201–Эконометрика магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5A232201 – Эконометрика** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A232201 – Эконометрика мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A232201 – Эконометрика мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A232201 – Эконометрика– иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида эконометрик моделлаштириш иқтисодиётимизга татбиқ этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни эконометрик моделлаштириш асосида ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий таҳлил асосида ва

тўғри хулосалар чиқаришни таъминлаш, истиқболлини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5A232201 – Эконометрика мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиётнинг тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциялар, коопорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида эконометрик моделлаштириш асосида бошқариш жараёнлари;
- Эконометрика соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ходисаларни, микро ва макро иқтисодий маконда иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

1.2.3. 5A232201 – Эконометрика мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 5A232201–Эконометрика мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A232201–Эконометрика мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, реал иқтисодиёт учун эконометрик моделлар яратиш;
- илмий маколалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда уларда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машгулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- иқтисодиётнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

- иқтисодиёт соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қийслаш;

- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда тизимнинг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш.

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларини ва турли мулк шакллари химоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қўмаклашиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптимallasштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни режалаштириш ва амалга ошириш;

- лойихавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 5A232201–Эконометрика таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи rischi ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда моделларни қўллаш билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва тахлилий ишларни бажаришни билиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодиёт соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

2.3. Касбий квалификациялар:

Иқтисодий муаммоларнинг мазмунини тўлиқ англаш, бу мазмунни ўзида жамлаган статистик маълумотларни тўплаш ва классификациялаш, уларни таҳлил қилиш ва тўғри хулоса чиқариш, бу муаммоларнинг моҳиятини ўзида акс эттирувчи иқтисодий-эконометрик моделларни тузиш ёки аниқлаш ва бу методларни ечиш усуллари аниқлаш ҳамда статистик маълумотларга асосланган ҳолда прогнозлар қилиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллار, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* |
|---|-----------------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 45% |
| Кредит тизимидаги кириш | 2% |
| Аттестациялар | 16% |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 5% |
| Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 10% |
| Таътиллари | 22% |

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, таваккалчилик, рақобат, рақобатбардошлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, ҳуқуқ-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блокли, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, статистика, эконометрия, экспертиза, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент молия институтини

Ректор в.в.б.  С.У. Мухомов

2020 йил « 24 » 07



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази




Директор  З.Хакимов

2020 йил « »

Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари




 М.М. Мирзаев

2020 йил « »
М.У.

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор  Қ.Ш. Шарипов

2020 йил « »

Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институтини
Директори



 Б.К. Ғойбназаров

2020 йил « »
М.У.

**Тошкент молия институтининг 5A232201 – Эконометрика магистратура
мутахассислиги малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар
истеъмолчилари ўртасида
КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“ ___ ” _____ 2020 й.





Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси биринчи ўринбосари М.Мирзаев, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори Б.Ғоибназаров ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Меҳмонов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислиги малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши, бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ва Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билан иштирок этганлар.

3. 5A232201 – Эконометрика бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ў Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

| | |
|---|--|
|  <p>Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев</p> <p>Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори Б.Ғоибназаров</p>   | <p>Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Меҳмонов</p>  |
|---|--|

Тошкент молия институтида тайёрланаётган

5A232201–Эконометрика магистратура мутахассилиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)


| Т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|-----|--|--------------|--|
| | шифри | номи | |
| | 5A232201 | Эконометрика | <p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши; - хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш; - янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш; - ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши; - интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши; - ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи rischi ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши. - илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш; - педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш; |

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <ul style="list-style-type: none"> - давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши; - ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши; - тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда моделларни қўллаш билиши; - бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши; - лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш; - тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши; - тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодиёт соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш; - лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш. |
|--|--|--|---|

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**



(имзо) (Ф.И.О.)

**Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти директори**




(имзо) (Ф.И.О.)

5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислигининг малака талаби ишлаб чиқилишига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассислиги бўйича малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадрлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкмасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5A232201 – Эконометрика магистратура мутахассисигига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истикболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти

“Олий математика, статистика

ва эконометрика” кафедраси мудири



А.Хашимов

5A232201 – Эконометрика таълим йўналиши бўйича магистрант давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги

бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

МАГИСТРАТУРАДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ

КЎРСАТКИЧЛАРИ

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Португалия Applied Econometrics and forecasting дастури Lisbon school of economics and management | Франция Statistics and econometrics Toulouse School Of Economics TSE |
|----|---|--|---|--|
| 1. | Бошланиши | Бакалавр дастуридан сўнг | Бакалавр дастуридан сўнг | Бакалавр дастуридан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 2 йил, ўқув режага мувофик. | 2 йил, 4 семестр. | 2 йил, 4 семестр. |
| 3. | Таълим олувчилар сони | Талабга мувофик | Талабга мувофик | Талабга мувофик |
| 4. | Ўтиш жойлари | Тошкент молия институти | Lisbon school of economics and management | Toulouse School Of Economics TSE |
| 5. | Таълим берувчилар | Мос мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар ва магистр даражасига эга бўлган мутахассислар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин) | Lisbon school of economics and management профессор-ўқитувчилари. | Toulouse School Of Economics TSE |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Тегишли факультет декани ва декан муовинлари, тегишли кафедра мудири. | MBA in Economics мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири. | MBA in Economics мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири. |
| 7. | Диплом | Тошкент молия институти бакалавр дипломи. | Барча давлатлардан бакалавр дипломига эга бўлганлар | Барча давлатлардан бакалавр дипломига эга бўлганлар |

МАГИСТРАТУРАДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁИИНИНГ ТАРКИБИ

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Португалия Applied Econometrics and forecasting дастури Lisbon school of economics and management | Франция Statistics and econometrics Toulouse School Of Economics TSE |
|----|--------------------------|---|--|--|
| 1. | Назарий дарслар | Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади | Тегишли фан доирасида ўқитувчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган мавзулар доирасида ўтилади ва талабада ўзи хоҳлаган профессор-ўқитувчиси дарсини тинглаш имкони мавжуд. | Таълим жараёнида мажбурий фақат статистика ва эконометрика тизимини ўрганишга қаратилган, назарий дарслар эркин мулоқот ёки ихтиёрий маъқул келган услубларда ўтилади. |
| 2. | Амалий дарслар | Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича | Амалий дарслар олдиндан талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан келишилган мавзуларда кичик-кичик гуруҳларда талабалар ўзлари ёқтирган услубларда ўтилиши мумкин. | Амалий дарслар ихтиёрий мавзуларда талабаларнинг ўзлаштириш имкониятларини инобатга олган ҳолда турли кўринишларда ва табиатда ҳам ташкил этилиши мумкин. |
| 3. | Амалиёт | 2 босқичда танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди малакавий амалиёт тарзида талаба томонидан танланган тижорат банкларида ўталади. | 2 босқичда умумий фаолиятни ўрганиш ва битирув олди малака иши бўйича махсус амалиёт. | 2 босқичда қисқа муддатли иш ўрганувчи ва битирув олди мутахассислик амалиёти. |
| 4. | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, фанларни ўзлаштириш бўйича билимларини баҳолаш бакалаврият рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Кредитларни топшириш асносида етарли баҳолар олиб борилади ва якунда компьютер ҳамда оғзаки равишда тест ёки саволларга жавоб берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди. | Таълим жараёни бевосита оғзаки, ёзма ва компьютерда ўтказиладиган аралаш турдаги саволлар кўринишида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди. |

МАГИСТРАТУРАДА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАР

| Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институти 5A232201 – Эконометрика магистратура таълим йўналиши | Муддати (credit – аудитория соатлари) | Португалия Applied Econometrics and forecasting дастури Lisbon school of economics and management | Франция Statistics and econometrics Toulouse School Of Economics TSE | Муддати (credit – аудитория соатлари) | Муддати (уқув йилида режага мувофиқ) |
|---|--|---|--|--|--|
| Умумметодологик фанлар | 10 | Econometrics | Econometrics | 8 credits | 1 уқув йили давомида |
| Илмий тадқиқот методологияси | 2,5 | Time Series Analysis and Forecast | Time Series Analysis and Forecast | 8 credits | 1 уқув йили давомида |
| Махсус фанларни ўқитиш методикаси | 2,5 | Topics in Statistical Inference | Topics in Statistical Inference | 8 credits | 2 уқув йили давомида |
| Амалий хорижий тил | 5 | Macroeconometrics I | Econometrics of qualitative variables | 8 credits | 1-2 уқув йили давомида |
| Мутахассислик фанлари | 35 | Microeconometrics I | Econometrics of Marketing | 8 credits | 1-2 уқув йили давомида |
| Эконометрик моделлаштириш | 10 | Time Series Analysis for Finance | Time Series Analysis for Finance | 8 credits | 1-2 уқув йили давомида |
| Математик статистика | 5 | Macroeconometrics II | Lifetime data analysis | 6 credits | 1 уқув йили давомида |
| Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогностлаш | 10 | Microeconometrics II | Panel data analysis | 6 credits | 1 уқув йили давомида |
| Замонавий статистик методлар | 5 | Thesis 1 | Thesis 1 | 12 credits | 2 уқув йили давомида |
| Иқтисодий ўсишнинг эконометрик моделлари | 5 | Internship 1 | Internship 1 | 12 credits | 1 уқув йили давомида |
| Танлов фанлари | 15 | Project 1 | Project 1 | 12 credits | 1 уқув йили давомида |
| Жами | 60 | Thesis 2 | Thesis 2 | 30 credits | |
| Илмий фаолият | 60 | Internship 2 | Internship 2 | 30 credits | 2 уқув йили давомида |
| Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 30 | Project 2 | Project 2 | 30 credits | 2 уқув йили давомида |
| Илмий семинар | 8 | Spatial Econometrics | Spatial Econometrics | 6 credits | 2 уқув йили давомида |
| Илмий-педагогик иш | 10 | Big Data | Big Data | 6 credits | 1 уқув йили давомида |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 12 | Public Finance in the Economic and Monetary Union | Public Finance in the Economic and Monetary Union | 6 credits | 2 уқув йили давомида |
| Жами | 120 | | | 120 credits | |
| Аттестациялар | 0 | | | | |
| ҲАММАСИ | 120 | | | 120 | |

“Олий математика, статистика ва эконометрика”
кафедраси мудири

Ф.-м.ф.н., доц. А.Хашимов

Маъсул

А.М.Жумаев